Ушбу сонда:
2 ИСТИРОҲАТ БОҒИДАГИ ҚУРИГАН ДАРАХТЛАР
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАДА
4 РАҚАМЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ ВАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 июл, шанба №98 (930)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Комиссия мажлиси

Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Республика ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идора раҳбарлари, мутахассислар, ҳудудий комиссиялар раислари қатнашди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди.

Мажлисда қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилишнинг 2000 йил биринчи ярим йиллик натижалари муҳокама қилинди. Жойларда хўжаликлар санациясининг бориши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудий комиссиялари раисларининг ахбороти тингланди.

Санация бўйича эришилган натижалар, мавжуд муаммо ва камчиликлар, санация қонунчилигига амал қилиниши ва бу борадаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда ҳукумат қарорларининг бажарилиши, санация самарадорлигини ошириш ва хўжаликлар бизнес режалари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари, санация жараёнида кадрлар фаоллигини жонлантириш, ташқи бошқарувчилар ва мутахассислар масъулиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Янгидан санацияга тортилган хўжаликларда ортиқча ва ишга яроқсиз асосий воситаларни балансдан чиқариш, хўжаликларнинг манба билан таъминланмаган кредиторлик қарзларини улар ҳудудида ташкил бўлган мустақил фермер хўжаликларига қайта тақсимлаш, оила пудрати ва чек тизимини етарли даражада шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрловчи ҳамда хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан хўжаликлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш йўллари мажлис қатнашчиларининг алоҳида эътиборида бўлди.

Мажлисда санация қонунчилигини таъминлаш ҳамда санация режаларининг бажарилиши борасида айрим вазирликлар, идоралар ҳамда ҳудудий комиссиялар фаолияти танқидий баҳоланди, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Мажлис қатнашчилари табиат инжиқликларига қарамай санация хўжаликларида 2000 йил вазифаларини уддалаш, пахта, ғалла ва бошқа асосий экинлардан етарли ҳосил олиш учун зарур имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар. Ҳамма гап шу имкониятларнинг ўз вақтида ва тўла ишга солинишидадир. Бу борада мажлисда тегишли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

Қилган меҳнатингнинг самарасини кўришдан ортиқроқ ҳурсандчилик бўлмаса керак. Касби туманидаги Насафий номли жамоа хўжалиги моҳир бригада бошлиғи Гулнора Файзиева ҳам бар авж ўсаётган экинларига боқиб қувонади. Режа бажарилса, даромад ҳам мўмай бўлади. Бу дастурхон тўкинлигидир.

Суратда: меҳнат ардоқлаган пахтакор Гулнора Файзиева.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

УРГАНЧ - СПОРТ МАРКАЗИ

Урганч шаҳрининг эски марказ қисми таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Бу ердаги 50-60-йилларда қурилган меъморчилик мажмуида жойлашган Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қайта таъмирланди.

Мактабдан турли йилларда кўплаб нуфузли халқаро турнирларда муваффақият қозонган ўнлаб спорт усталари етишиб чиққан. Атланта Олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасининг байроқдори бўлган хизмат кўрсатган спорт устаси Темур Иброҳимов 1-спорт мактаби тарбияланувчиси эканини хоразмликлар фахр билан тилга олишади. Бокс секцияси тарбияланувчиси Алишер Раҳимов Сиднейда бўладиган Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Бугунги кунда мактабда 1300 га яқин ўсмир тажрибали мураббийлар раҳбарлигида спортнинг гимнастика, бокс, кураш ва бошқа турлари билан шуғулланмоқда. Шу йил баҳорда вилоятнинг тўққизта йирик корхонаси, акциядорлик жамиятлари ва қурилиш ташкилотлари ёрдамида спорт мактаби тубдан қайта таъмирланди ва жиҳозланди. Гимнастика, бокс ва кураш заллари кенгайтирилди, спортнинг бодибилдинг каби тури билан шуғулланиш учун машғулот зали барпо этилди. Спорт мактабида замонавий ювиниш, кийим алмаштириш ва бошқа тегишлича жиҳозланган махсус хоналар пайдо бўлди.

Спорт мактабини ишга туширишда маросимида вилоят ҳокими И.Бобожонов иштирок этди.

Вилоятда спортни ривожлантиришга эътибор ошиб бормоқда. Хусусан, «Жанубгазқурилиш» акциядорлик жамияти вилоят бокс мактабига топшириш учун эски кинотеатр биносини қайта тамирламоқда. Шунингдек, «Урганчтрансгаз» корхонаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси болалар ҳамда ўсмирлар спортини ривожлантириш марказларини ташкил этиш мақсадида бир қанча эски биноларни қайта жиҳозлаш билан шуғулланмоқда.

Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

БИР ТАШАББУС ШАРОФАТИ

Корхонамизда эришилган ҳар бир ютуқда касаба уюшмаларининг ташкилотчилик, ташаббускорлик роли яққол сезилиб турибди. Биргина шу йилнинг биринчи чорагида олинган соф фойда 1.380 минг сўмни ташкил этди. Компост тайёрлаш, органик ўғитлар ишлаб чиқариш, минерал ўғит ташиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш сезиларли даражада яхшиланди.

Бизда корхона ва ташкилотларга автотранспорт хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Бу йил уларга 18 миллион сўмлик шундай хизмат кўрсатилади ёки 440 миллион сўмлик минерал ўғит ва заҳарли химикатлар манзилга етказиб берилади. Жумладан, тракторлар ёрдамида 13 миллион сўмлик иш бажарилади. Ҳозир асосий техникаларимиз ғаллакорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Шу билан бирга техника хавфсизлиги ва меҳнатни ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Агар ўтган йили ана шу мақсадлар учун 303400 сўм сарфланган бўлса, бу йил 364 минг сўм ажратиш режалаштирилган.

Ижтимоий ҳимоя мақсадлари учун маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти бирдек жон куйдираётгани, 109 ишловчининг доимий моддий ва маънавий рағбатлантириб борилиши ишда сифат ва самарадорликка бош омил бўлаётир. 1999 йил ишловчиларга 303.400 сўм берилган бўлса, бу йил 409.200 сўм ажратилиб, шундан меҳнат фахрийлари эса 227.900 сўм моддий ёрдам оладилар. Касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборимизда бўлади.

Н. ЭШМУРОДОВ, Қизилтепа туман «Агрокимётаъминот» бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси .

ҚУШИҚЛАРДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси тизимида республика қўшиқ байрамининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон - Ватаним маним» шиори остида ўтаётган мазкур танловда «Ўзбекнаво»нинг олтмишдан зиёд бадиий жамоаси ҳамда яккахон хонандалари ижросида она юрт, мустақиллигимиз, бунёдкорлигимизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янгради.

Бу йилги танловнинг ўзига хослиги шундаки, ҳайъат аъзолари миллий қўшиқчилик услуби, ижро маҳоратига асосий эътиборни қаратди. Айнан шу боис танлов ҳайъати биринчи ўринни бермасликка қарор қилди. Иккинчи ўрин «Оқ кема» қўшиғи учун «Сидериз» ва «Соғлом авлод мадҳияси» учун «Айём» гуруҳларига насиб этди. Учинчи мукофотга эса Муҳаббат Ғафурова, Мирзоҳид Мамадалиев, Шуҳрат Йўлдошев сазовор бўлди.

(ЎзА).

Жаҳонга йўл

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КАМОЛИ

Халқни халқ, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган унинг фарзандларидир. Шунинг учун ҳам истиқболини ўйлаган давлатлар аввало ёшларни қўллаб-қувватлайди, уларга раҳнамолик қилади. Мустақиллигимиз Бош меъмори- Президентимиз Ислом Каримов тараққиёт калитини баркамол ёшлар истиқболида кўраётганлиги ва оталарча даъвати билимга чанқоқ, иқтидорли йигит-қизларга қанот бағишлади. Улар бирин-кетин озод, эркин қуш мисол ўзлигини намоён этмоқ учун жаҳон бўйлаб парвоз этдилар. Парвознинг бехатарлиги, йўлнинг равонлиги, илм манзилидаги заҳматларни енгиллатмоқ учун иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Умид», «Камолот», «Улуғбек» каби жамғармалар тузилди. Бугун минглаб ёшлар давлат ҳомийлигида жаҳоннинг энг нуфузли илм даргоҳларида замонавий билимларни эгаллаб улуғ аждодлари асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайта тиклаш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Қулоқ тутинг-а, улар нима дейишмоқда?

Нозим ҚОБИЛОВ, Дюкейн Университети (АҚШ), мутахассислиги - тижорат банклари иши:

- Тошкентда ўқиб юрганимда Ватан, юрт тушунчасини анча тор доирада англар эканман. Лекин юртдан олисда, бу сўзларни ўзгача қабул қилар экансан киши. Тенгдошларим Ўзбекистон ҳақида бирор илиқ гап айтсалар ҳам ғурур, ҳам қалбимда беихтиёр соғинч уйғонади.

Назаримда, юртни севмоқ сўзда эмас, амалда ҳалол ва виждонан бажарилган ишда ифодаланишини мусофирчиликда тушуниб етдим.

Жамшид КАРИМОВ. Гринвич Университети (Англия), мутахассислиги - молияни бошқариш:

- Ҳозирда мен Англияда молия ва молиявий ахборот тизими соҳасида таҳсил олмоқдаман. Бу йил биринчи курсни тамомладим. У ердаги ҳаёт ва тараққиётни кўриб менинг Ватаним ҳам шундай юксалишни бошдан кечиришига янада ишончим ортди. Чунки биз ёшлар суянса суянгулик гўзал ватанимиз, доно Президентимиз бор.

Ўқишни тезроқ тамомлаб, ўз фаолиятимни бошласам, дейман. Зеро, юртимнинг жамоли, дилкаш инсонлари-юзар тупроғи мени ҳар он ўзга юртда ҳам тарк этмагай.

Сафия ХОДЖАЕВА, Жоржия Университети (АҚШ), мутахассислиги - монитор сиёсати ва пул муомаласи:

- Американинг дунё саҳнасига чиқиши энг аввало - бу, таълим тизимига катта аҳамият берилганлигидир. Не бахтки, бизнинг юртимизда ҳам кадрлар масаласига, таълим соҳасига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонлик талабалар — чет эл таълим тизими талабларига жавоб бера олишларини исботлаб, ҳатто АҚШдаги олий ўқув юртларининг энг етук талабалари деган номга сазовор бўлишмоқдаки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Буни қарангки, чет эллик дўстларим ҳам серқуёш ўлкамга ҳавас билан боқишади. Сабаби, улар бизнинг буюк ўтмишимизни жуда яхши билишар экан.

Искандар ЗАБИХАДЖАЕВ, Пейс Университети (Нью-Йорк шаҳри), мутахассислиги - тижорат банклари иши:

—1997 йил сентябрида менинг ҳаётимда катта ўзгариш бўлди. Нью-Йорк шаҳрига ўқишга жўнадим. Бир томондан хурсанд бўлдим, бошқа тарафдан ўзга юртда, уйингдан, ота-онангдан, ватанингдан олисда ...

Мен ҳар дақиқа жонажон Ўзбекистоним ёди билан яшадим. Айниқса, севимли шаҳрим кўчалари, дўсту - биродарларим, мазали миллий таомларимиз, ўзбекона меҳмондўстлигимизни кўп эсладим. Ана шунда билдим, ҳис қилдим Ватан саждагоҳ каби муқаддаслигини! Америкада биз талабалар Ўзбекистон кунларини ўтказган чоғларимиз, улар дастурхонимизга қўйилган ноз-неъматлар, таомларимизга бир тан берсалар, анъаналаримизни кўриб кўп бор қойил қолдилар.

Албатта, ватанинг ҳақидаги илиқ сўзлар кишига ғоят хуш ёқар экан. Унга муносиб фарзанд бўлиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Давур ТУРОН, «Ишонч» мухбири.

Мавзуга қайтиб

«ЗАРДЎЗ»НИНГ ШУҲРАТИ СЎНМАСИН

Бухоро — ўхшаши йўқ муқаддас бир диёрки, унинг мафтункорлиги хусусида ҳар қанча гапирилса ҳам озлик қилади. Бу ерда қанчадан-қанча беназир олиму уламолар яшаб ўтмаган дейсиз. Кўплаб илм ва ижод аҳлининг юксак олқишу самимий мақтовларига сазовор бўлган азим шаҳар бугунги кунда гўё яшариб кетгандек.

Бухоро шуҳратининг етти иқлимга таралишида «Зардўз»лик молларининг алоҳида ўрни бор. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам бу маҳсулотларга бўлган қизиқиш ортиб бораётганлиги чин ҳақиқат. Зардўзлар етакчиси Муяссар Темированинг биринчилар қаторида «Ўзбекистон қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлишида ҳам ўзига хос размий маъно бор. Зардўз меҳнатининг бунчалар қадр топиши айни шу ишнинг этагини тутишга азму қарор қилган кўплаб хотин-қизларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди.

Минг афсуски, ҳозирча «Зардўз» (Республикамизда яккаю-ягона саналган корхона)да ишлар кутилган даражада кетаяпти деб бўлмайди.

Хўш, шундай экан, ҳозирги кунда корхонада қандай ўзгаришлар қилинмоқда. Жамоада янгиланаётган иқтисодий талабларга мувофиқ тарзда ишни ташкил этиш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишлардан қониқиш ҳосил қилса бўладими? Ишлаб чиқаришда фаол иштирок этаётган хотин-қизлар ташаббус ва изланишлари кўпроқ самара бериши учун нима қилиш керак?

Бунга аниқ жавоб олиш мақсадида дастлаб жамиятнинг янги раиси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Жаҳонгир Каримов билан мулоқотда бўлдик.

— Биз корхонанинг илгариги шуҳратини тиклаш учун бор имкониятни ишга солишга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган даврда омборхонада тўпланиб қолган тайёр моллар салмоғини 10 миллион сўмга яқин камайтиришга эришилди. Натижада дебитор ва кредитор қарзларимиз ҳам камайди.

Товар маҳсулотлари, айниқса кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътибор ошди. Шу ярим йилликда унинг салмоғи 4,5 миллион сўмни ташкил қилади. Бу, бултурги даражага нисбатан 1,4 миллион сўмга кўпдир.

Унумли меҳнат ва баракали маош ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситаси эканлигини теран англаб, мазкур йўналишда ҳам анча силжишларга эришилди. Айни пайтда иш ҳақидан деярли қарздорлик йўқ. Бу - ҳамма жабҳада ишимиз силлиқ кўчаяпти, дегани эмас, албатта. Бизни кўпроқ хом ашё масаласи безовта қилаяпти. Заҳирадагиси тугаб бораяпти. Ҳар куни сув ва ҳаводек зарур бўлган зарлар, ипак, духобани эса ҳозирча хориждан сотиб олаяпмиз. Уларни олисдан олиб келтиришнинг ўзи бўлмайди. Устига-устак хом ашёнинг нархи тўхтовсиз ошиб бораётир.

Талаб кўп. Таклиф саноқли. Бу эса ўз ўзидан нархнинг асоссиз равишда ошишига олиб келади. Пировардида кўпроқ юк истеъмолчининг гарданига тушади. Биз ҳозирча ана шундай жиҳатларни негадир ҳисобга олмаяпмиз.

Тўғри, бозорда ҳуқуқий рақобатчилик муҳити яратилган. Лекин бозор талабларини ўрганиш жараёнида айрим муаммоларга дуч келаётганимиз ҳам сир эмас. Менимча, «Зардўз» тамғаси билан чиқарилаётган бежирим халатлар, дўппилар, тўнлар, саҳна пардаси, болалар, келинлар либоси ва кийим кечакларнинг нархи хийла баланд. Шу боис, корхонамизни бир қатор қўшимча тўловлардан озод қилиш масаласи ҳал этилса, ишимиз анча юришиб кетарди.

Кўпдан буён «Зардўз»ни республика «Хунарманд» уюшмаси таркибига киритиш ғояси мавжуд. Лекин у турли сабаблар билан чўзилмоқда. Қўшимча тўловлардан озод бўлишнинг энг мақбул йўли шу эмасми?

Корхона раҳбарининг таклифини бош муҳандис Маҳфуза Салимова, касаба уюшма қўмитасининг раиси Манзура Салимова, чеварлардан Ойша Темирова, Зубайда Холова, Олима Бердиева, Майрам Азизова, Рукия Ғуломова, ёш ишчилардан Дилрабо Бобомуродова, Моҳигул Ёдгорова, Мавлуда Тоҳирова, Шабон Қурбоновалар ҳам маъқуллашди. Уларнинг ғайрат ва шижоатларини кўриб, «Зардўз» яна тилга тушадиган, шуҳратига - шуҳрат қўшиладиган кунлар яқинлигини дилдан ҳис қилдик. Жамоада маъмурият ва касаба қўмитаси фаолиятининг ягона мақсад сари интилишлари учун замин яратилар экан, ҳар қандай муаммо ва тугунлар, ечимини топиши муқаррар.

Лекин шу ерда «Зардўз»нинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳақида қайғурадиган давр етиб келди, деган фикр туғилади. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришни янги ўзанга буриб юбориш лозим.

Ташқи бозорга товар чиқаришга хизмат қиладиган тизимни яратиш, унинг фаолиятини оширишнинг ҳам хислати кўпдир. Рассом ва модельерлар, муҳандислар имкон қадар хориж мамлакатларининг бозорларини ўргансалар ёмон бўлмасди.

Хориж давлатларида, қўшни вилоятлар марказларида савдо уйларини очиш, тайёр маҳсулотлар кўргазмасига эътиборни қаратиш, қолаверса чет эллик сармоядорлар маблағларини жалб қилган ҳолда қўшма корхоналар ташкил этиш жараёнини жадаллаштириш ҳам ўз самарасини беради. Буларнинг ҳаммаси умумий ишга наф келтиради холос.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

«ЁШ ЧОРВАДОР» ОРЗУСИ ҚАЧОН УШАЛАДИ?

Бугунги кунда Конимех туманида болалар оромгоҳи йўқ. Чорвадорлар фарзандлари ёзни қўшни Қизилтепа, Навбаҳор туманларидаги дам олиш масканларида ўтказишмоқда. Аслида шу оромгоҳ ўзингда бўлганига нима етсин, шунда болаларинг ҳам кўз олдингда бўларди. Конимех туман шифохонаси врачи Бектош Шоназаров ва «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси Олим Садировларнинг юқори ташкилотларга мурожаатида меҳнаткашларнинг ана шу истак, талаб ва эҳтиёжи ўз ифодасини топган эди. Афсуски, масала ҳанузгача ижобий ҳал этилмади. Нега?

«1996 йилда Конимех тумани «Чордара» жамоа хўжалиги умумий йиғилиши қарори ва туман ҳокимлиги қарори қабул қилиниши, унинг 1997 йилнинг 20 майига қадар янги болалар оромгоҳи қуриш ҳамда фаолият кўрсатаётган «Ёш чорвадор» («Жас шарауғер») оромгоҳи эскирганлиги сабабли фаолиятини тўхтатиш кўзда тутилган эди, дейилади агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси Тоҳир Йўлдошевнинг 1999 йил 29 июндаги хатида, — Туман ҳокимининг ушбу қарорига асосан «Ёш чорвадор» болалар оромгоҳи фаолияти тўхтатилди ва янги болалар оромгоҳини қуриш мақсадида «Чорвадор» жамоа хўжалиги ҳисобидан 2,5 миллион сўм, маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 миллион сўм миқдорида маблағ ажратиш белгиланди. Бироқ орадан 3 йил вақт ўтганига қарамай, оромгоҳ қурилиши масаласи ўз ечимини топмади».

Бундан чиқди, аввал бу ерда аслида оромгоҳ бўлгану кейин бузилган экан-да. Унда янгиси қани? Демак, қарор қоғозда қолиб кетаверган.

Шу ўринда Президентимизнинг Мустақилликнинг дастлабки йилларида айтган, эндиликда нақлга айланиб кетган доно ўгитини эсламай иложимиз йўқ. «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг». Имкониятни чамаламай, шошма-шошарлик билан иш тутилгани оқибатида конимехлик болалар оромгоҳсиз қолгани бунинг исботи эмасми?! Янги оромгоҳ қурилиши эса ҳалигача бошланганича йўқ.

Албатта, бундан туман ҳокимлиги болаларнинг дам олишига мутлақо шароит яратмас экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳокимлик ҳар йили болалар ёзи соз ўтиши учун жон куйдирмоқда. Жумладан, шу йил 30 майдаги ҳоким қарорига асосан 5 жойда 150 болага мўлжалланган кундузги соғломлаштириш ва дам олиш масканлари иш бошлади. 1 июлдан бошлаб дам олувчилар ва оромгоҳлар сони янада ортади. Қизилтепа, Навбаҳор болалар оромгоҳларига эса 225 ўқувчини жўнатиш чора-тадбирлари кўриб қўйилди.

— Эртанги кунимиз бўлган ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол кишилар бўлиб етишиши учун ғамхўрлик қилиш «Соғлом авлод» дастурида кўзда тутилган, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Қали Жолдасов. — Шу боисдан ҳам, оромгоҳ қурилиши энди пайсалга солинмайди. Қурилиш материаллари тайёрлаб қўйилган, танланган жойлардан бири маъқул топилиши билан иш бошлаб юборилади.

Дарвоқе, оромгоҳни юқоридан қайсидир ташкилот қуриб беришини кутиб ўтиргандан кўра ташаббус ва тадбиркорлик билан иш тутганга не етсин. Конимехликларда бунга куч ҳам, шижоат ҳам етарли. Шундай эмасми?!

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Омбудсман ва касаба уюшмалари ҳамкорлиги

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Қизил империя даврида қонун бизнинг ҳақиқий ҳимоячимиз бўлолмади. Одамлар унга ишонишмади, суянишмади. Йиллар ўтиб, мамлакатимизда мустақилликка эришилгач, ҳаёт гултожи бўлмиш инсон манфаати, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясига алоҳида аҳамият қаратилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ташкил этилиши мақсадга эришишда муҳим омиллардан бири бўлди. У энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари билан алоқани мустаҳкамлаб, хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Омбудсман ўтган йиллар мобайнида ҳаётимиз гуллари – хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро конвенцияларга риоя этилиши юзасидан вақти-вақти билан текширувлар ўтказиб, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этиш ишига муносиб ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда ҳар бир вилоят, туман, шаҳарда аёллар учун ҳуқуқ марказлари ишлаб турибди. Уларнинг билим ва маҳоратини ошириш курслари ташкил этилган.

Баъзи вилоятларда аёллар ногиронлиги (Андижон), уларнинг маънавий қиёфасини юксалтириш, фоҳишабозликнинг олдини олиш (Фарғона), хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш, жазо муддатини ўтаганларга ёрдам бериш каби муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 1994 йилда Тошкент вилоятида жазо муддатини ўтаган шахслар учун ижтимоий адаптация маркази ташкил этилди. Марказ жазо муддатини ўтаган аёлларни ишга жойлаштиради. Уларга моддий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 16-сессиясида Омбудсманнинг вилоятлардаги вакилларининг самарали фаолият юритишлари учун зарурий-ҳуқуқий шароитларни шакллантириш ҳамда Омбудсман институтининг амалда мустақиллигини таъминлаш таклиф қилинган эди. Бироқ яқинда бўлиб ўтган Омбудсманнинг 1999 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот йиғилишида таъкидланганидек, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонун бошқа қонунлар билан ўзаро боғлиқ бўлишга муҳтож. Негаки, ундаги бир қанча нормалар процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига белгиланган бўлиши лозим. Шунингдек, мазкур қонун такомиллаштиришга муҳтожлиги сабабли унга ўзгартириш ва қўшимчалар тайёрланди.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фуқароларнинг шикоят ва аризалари билан ишлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бир йил мобайнида унга фуқаролардан 5398 та мурожаат келиб тушди, улар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилди. Мурожаатлар орасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан шикоятлар кўпчиликни ташкил этади. Уларга ишларни кўриб чиқишда сансалорлик, суд хизматчиларининг нохолислиги, суд қарорларининг баъзида бир-бирига зидлиги ҳақида фикр билдирилиб, авф этиш, терговчи томонидан кўриладиган эҳтиёт чораларини ўзгартириш ҳақида илтимос қилинган. Зеро, бундай мурожаатлар сонининг камаймаётганлиги ҳар бир кишини ўйлантиради.

Ўн икки ой мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик томонидан 39 та хулоса чиқарилди. Улардан 6 таси бўйича республика Олий судининг ҳукм ва қарорлари ўзгартирилди, 7 та хулоса бўйича прокуратура томонидан назорат тартибидаги протестлар киритилди. Афсуски, Омбудсман Олий судга, прокуратурага ва республиканинг бошқа қатор идораларига юборадиган хулосалари ҳар доим ҳам белгиланган муддатларда кўриб чиқилмайди. Бу эса шикоят ва аризаларни текширишда сансалорликка олиб келмоқда.

Омбудсман келгусида ҳам ўз фаолиятини замон талабларига монанд равишда такомиллаштира бориб, фуқаролар манфаати, ҳақ-ҳуқуқини маҳкам туриб ҳимоя этишни бош вазифаларидан бири деб билаётганлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

М.МИРКАМОЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

Ёз - ўтмоқда соз

ХЎЖАЛИК НЕЪМАТИ - БОЛАЛАР ОРОМГОҲИГА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман қўмитаси қошидаги Ҳамид Олимжон номли хўжаликлараро болалар оромгоҳида ҳар йили мингга яқин меҳнаткашларнинг фарзандлари дам олиб, жонажон мактабларига куч йиғиб қайтадилар.

Жорий мавсумда мазкур оромгоҳда 960 нафар бола дам олади.

— «Соғлом авлод йили» мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди оромгоҳ раҳбари Баҳодир Пузалов. — Хусусан, таъмирлаш ишлари барвақт тугалланди. Бунда оталиқ ташкилотларнинг ёрдамлари катта бўлди. Айниқса, «Гулистон», «Уйчи», «Ғайрат» ширкат хўжаликлари берган кўмакни таъкидлаш жоиз.

Дам олиш маскани фаолиятида ишчи-хизматчилар-у, малакали мутахассисларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Бу борада туман халқ таълими бўлими амалий ёрдам кўрсатди. Ҳозирда 50 дан зиёд ходимлар дам олувчиларнинг ёзги таътилларини мароқли ва мазмунли ўтказишларида бутун билим ва малакаларини ишга солмоқдалар.

Болажонлар янги, сарҳил мева ва сабзавотлардан баҳраманд. Бунда жамоа хўжаликларининг хизматлари катта.

— Оромгоҳимизда ўғил-қизларга етарли шарт-шароитлар яратилган, — деди биз билан суҳбатда бош етакчи Маъфиратхон Абдураҳимова. — Уларнинг мароқли дам олишлари учун турли кўнгил очар тадбирлар режасини тузиб олганмиз. Жумладан, қизиқарли спорт мусобақалари, «Оқила қиз», «Балли йигитлар», «Етакчилар» танлови, кулги, мушоира кечалари ўтказилмоқда. Бундан ташқари туман марказида жойлашган Мустақиллик боғи, «Пахтакор» ўйингоҳи, музейга ҳамда туманнинг диққатга сазовар жойларига экскурсия ва сайрлар уюштирилмоқда. Ўсимликлардан гербарийлар ясаш танловида эса болажонларнинг табиатни нақадар севишлари намоён бўлди.

Теннис, шахмат-шашка, футбол, волейбол тўгараклари ҳамиша гавжум. Шунингдек, болажонлар гулчилик, боғдорчилик, чеварчилик, рақс тўгаракларида Аъзамжон Дадажонов, Зарифа Мамадалиева, Абдуфаттоҳ Холиқов, Юлдузхон Собирова сингари тажрибали мутахассислар бошчилигида ҳар бир соҳа сирларини ўрганмоқдалар.

Барчиной Болтабоева раҳбарлигидаги шифокор ва ҳамширалар болажонларнинг саломатлигига посбондир.

Оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизларнинг гулгун чеҳраларидан уларнинг бу маскандаги ҳордиқлари кўнгилдагидек ўтаётгани сезилиб турибди:

— Оромгоҳга келгач, кўплаб дўстлар орттирдим, — дейди 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Зуҳриддин Шамситдинов. — Мен айниқса бўш вақтларимда улар билан футбол, теннис ўйнашни ёқтираман. Бу ердаги барча ходимлар мароқли дам олишимиз учун кеча-ю кундуз парвона бўлмоқдалар.

— Ушбу оромгоҳда ўтган йили ҳам дам олгандим, — дея суҳбатни давом эттирди 12-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ҳалима Абдураҳимова. — Барча шароитлар етарли бўлгани учун бу йил ҳам шу масканни танладим.

Таъкидлаш лозимки, оромгоҳда кўчма кутубхона, телевизор, спорт майдончаси, ювиниш хоналари болалар хизматида. Уларни маънавий-маърифий юксалтириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар билан турли учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Зеро, оромгоҳдаги завқли дамлар ва такрорланмас таассуротлар бир умр болажонларнинг хотираларида муҳрланиб қолади.

М.ҚОДИРОВ.

Бир вақтлар Булоқбоши туманидаги хўжаликлар ҳосилни узоқ ердаги қабул пунктига топширишарди. Бу ортиқча сарф-харажатларга сабабчи бўларди. Деҳқонлар таклифи инобатга олиниб, шу ернинг ўзида замонавий пункт ташкил этилди.

Суратда: янги пункт ҳаётидан лавҳалар.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

ЖУРЪАТ

Бани олам гултожи ҳисобланган инсондан ўзининг беқиёс имкониятларини намоён этмоғи учун изланиш, матонат ва журъат талаб этилади. Яккабоғ тумани «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Салоҳиддин Норматов ҳам ўн қути ипак қуртини боқиш учун олишдан аввал ўзида ана шу фазилатларни кўрган бўлса, ажабмас. Қолаверса, у халқимизнинг чексиз меҳру оқибати — кўмагидан умидвор бўлиб адашмади.

– Ота, хўжаликдан ўн қути пилла қурти олиб парваришласак, дедим..

Ўғлидаги катта куч ва журъатни кўриб, Холмўмин ака индамади. Зотан, унинг юз-кўзидан севимли ўғлининг ташаббусига хайрихоҳликни билиш қийин эмасди.

Шундай қилиб, Норматовлар хонадонида ўн қути пилла қурти парваришлана бошланди. Аввалига ака-сингиллар, қўни-қўшнию қариндош-уруғлар, қўйингки, сўнгра бутун хўжаликда яшовчи барча-барча ёрдамга келди. Бу хайрли ишга туман касаба уюшма қўмитаси ҳам қайсидир маънода ўз ҳиссасини қўшди. Холмўмин аканинг қўшниси, касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Норбобо Умрзоқов пилла қурти учун ўз хонадонидан жой ажратиб берди.

– Мустақиллик ҳар биримиздан ташаббус кўрсатиб ишлашни, фидойиликни талаб этмоқда, – дейди Норбобо Умрзоқов. – Салоҳиддин кўрсатган ташаббус эса истиқлолий тафаккуримиз намунаси бўлди.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга, айниқса юртимиз таянчи – ёшларимизга катта журъат билан яшаш, меҳнат қилиш имкониятини яратди. Ушбу ҳашар кўринишидаги ўлмас қадриятларимиз билан юрт равнақи йўлидаги фидойилик – янгича тафаккур тарзимиз уйғунлашиб она Ватан аталмиш шу муқаддас замин дея ёниб, куйиб яшамоқдек гўзал туйғу ҳам истиқлол меваси бўлди.

Дарвоқе, Салоҳиддин ўз фидойилигидан мақтанишни хуш кўрмайди. Аксинча, у кўрсатилган моддий ва маънавий кўмак учун атрофдагилардан миннатдор.

–Қўшниларга, барча ёру дўстларга раҳмат, – дейди Салоҳиддин. – Чунки уларнинг ёрдами боис юзим ёруғ бўлди.

Ҳа, Салоҳиддин ўз ваъдасининг устидан чиқди. Давлатга режадан 56 килограмм ортиқ, аниқроғи 624 килограмм «кумуш тола» топширилди. Эндигина 25 баҳорни қаршилаган юз-кўзидан катта куч ва журъат ёғилиб турган Салоҳиддин ташаббуси билан хонадон соҳиблари парвариш этган 25 уйга жойлаштирилган ипак қурти мамлакатимиз қудратини нечоғлик оширди, билмадигу, бироқ бу ўзлигимиз, соғинилган меҳру муҳаббатимиз ўзимизга қайтганлигининг яққол намунаси бўлганлиги аниқ.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч» бонг уради!

ИСТИРОҲАТ БОҒИДАГИ ҚУРИГАН ДАРАХТЛАР

Новбур ва Оқжар деҳқон хўжаликлари аҳолиси яшайдиган катта қишлоққа яқинда Фарғонадан икки талаба келди.

— Ўн минг аҳоли яшайди, деяпсизлар. - У ҳолда нега аҳвол бу қадар ёмон? - сўради улардан бири.

Новбурлик йигит тўлиб турган эканми, дардини дастурхон қилиб ёзди.

— Нимасини айтасиз, на маиший хизмат уйи ишлайди, на устахоналар. Келинчаклар ҳалиям тезак ёқиб чой қайнатишади, овқат пиширишади.

— Бирортангиз бадиий асар ўқимоқчи бўлсангиз, кутубхона бордир ишқилиб?

— Буни фақат тушимизда кўрамиз. Ёшлар хўжалик марказига боришлари керак кутубхона ахтариб.

— Шунча дардларингиз бор экан, нега хўжалик ёки туман раҳбарларига очиқ айтмайсизлар?

— Уларга бир неча йилдан бери қатнаймиз. Лекин, қуюқ ваъдалар бериб, қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб қайтариб юборишади.

Бир вақтлар «Гиламбоп» жамоа хўжалиги ва ундан ажралиб чиққан деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари ҳудудида беш-олтита болалар боғчаси фаолият кўрсатар эди. Энди-чи? Битта ё иккитадан ошмайди. Бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Туман халқ таълими бўлимига қарашли боғча ва мактабларнинг айримлари биноси қаттиқроқ шамол турса, қулаб тушадиган даражада хароб эканлиги негадир ҳеч кимни ташвишга солмаётир. Айтишларича, яқинда яна битта мактаб қурилар эмиш. Кошки эди, бу билан масала ҳал бўлиб қолса! Капитал таъмирланиши лозим бўлган мактаблар нима бўлади? Яккаю-ягона болалар оромгоҳидан файз кўтарилганлиги эса негадир туман касаба уюшма қўмитаси раҳбарларини ўйлантирмаяпти. Аввалари юзлаб мактаб ўқувчилари бошқа туманлардаги хушҳаво тоғлардаги болалар оромгоҳларига бориб мазза қилиб дам олиб қайтишар эди-ку? Нега энди бу масала билан ҳеч ким қизиқмай қўйди?

Аҳолига маданий хизмат тўғрисида мақтов сўз айтиш мумкинми? Хўжаликлардаги ташкилот ҳамда корхоналардаги бадиий ҳаваскорлик ансамбларининг кўпчилиги нега ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди? Натижада турли маданият ҳамда санъатга доир ўқув юртларини битирганлар эса ўз касбига тааллуқли тузукроқ иш тополмай сарсон. Туманда биттагина қўшма корхона бор эди. Эндиликда унинг ҳам фаолияти сусайиб қолганлигига нима дейсиз?

Айрим маҳаллалар кўчаларида копток тепаётган болаларни кўрганда баъзи мулоҳазалар кўнгилдан ўтади беихтиёр. Хўш, тумандаги спорт мактаби дуруст ишламаётганига ким айбдор? Нима учун хўжалик, корхона ҳамда ташкилотларда стадионлар камайиб кетди ёки борлари ҳам эътибордан четда? Волейбол, футбол, шахмат-шашка, теннис, баскетбол мусобақаларини ўтказиш шунчалар қийинми? Балки бунинг учун хўжаликларда яна спорт инструктори лавозимини киритиш керакдир? Не ажабки, ўз-ўзидан хўжалик раҳбарларининг маданий оқартув муассасалари билан шуғулланадиган муовинлари штати ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетди.

Туман марказини ободонлаштириш учун ҳам тузукроқ иш қилинмаётир. Маданият ва истироҳат боғи йўқолиб бораётир: дарахтлар қаровсизликдан қуриб қолган, гуллар ва кишига ҳузур бахш этадиган ўт-ўланлар молларга ем бўлди. Гапнинг очиғи, истироҳат боғида дам олгандан нима наф - бундан кўра минглаб сўм даромад маъқул эмасми, дея бел кўтарган кишилар ишга киришиб кетдилар. Аввалари турли бадиий фильмлар намойиш қилинган клубни кўриб ачинасиз.

Бу қолоқликка бир нечта сабаблар келтириш мумкин. Кейинги ўн йилда пахта топшириш режаси бажарилмади ва ... раҳбарлар қўнимсизлиги юзага келди. Бу йил ҳам ғўзанинг ривожи дуруст эмас. Боз устига, катта даромад манбаи бўлмиш боғдорчиликка ҳам эътибор сусайган. Мўл ҳосил олиниши мумкин бўлган токлар, олма, анор, шафтоли, анжир ва хурмо дарахтлари парвариши ўлда-жўлда.

Бир неча йиллар аввал ҳар бир хўжаликда тўрт юз-беш юз бошдан, ҳатто Ҳ.Эшонов номли хўжаликда бир неча минглаб қорамол парвариш қилинар, шу сабабли давлатга минг тонналаб гўшт етказиб берилар эди. Бугунги кунга келиб эса ютуқлар бой берилди, даромаднинг тайини бўлмаяпти.

Ишни яхшилаш учун нима қилиш керак? Аввало, дала меҳнаткашларига меҳрибонликни янада кучайтириш зарур. Далаларда, фермерларда, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётганлар ўз вақтида иш ҳақи олишлари лозим. Иккинчидан, илғорлар рағбатлантирилиши зарур, тарғиботташвиқот ишларини жонлантириш даркор.

Бу йил ҳам туман раҳбарлари алмаштирилиб, ишда бироз жонланиш бўлаётгандек кўринади. Аммо, гапнинг очиғини айтганда, қолоқлик ботқоғи ўз гирдобига тортиб кетаётган туманни ўнглаш осон эмас. Ҳалиям кўпчилик мутасаддиларда ғайрат, ташкилотчилик ва ташаббускорлик етишмаётгандек кўринади.

Одамлар умид билан яшашмоқда, қолоқлик ботқоғи ўрнида кўркам боғ бунёд этилишига умид билдиришмоқда. Аммо бу қачон рўй беради...

Ҳ.ЖОВЛИЕВ.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Самарқанд Давлат чет тиллар институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмиталари ташаббуси билан Республикамизда илк бор иқтидорли ўқувчи ва талабаларга мўлжалланган соғломлаштириш оромгоҳи очилди. Унда биринчилардан бўлиб мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан йиғилган фанлар бўйича олимпиада ғолиблари ҳордиқ чиқардилар.

Улар билан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган АҚШнинг «Тинчлик корпуси» вакиллари машғулотлар олиб боришди. Муҳими, ёшлар ўртасида тажриба алмашиш билан бирга боқий дўстлик ришталари ҳам боғланди.

Институтда 200 нафар аъзолардан иборат ходимлар касаба уюшма қўмитаси ва 1387 нафар талабаларни бирлаштирган талабалар касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида ўзаро меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, унда асосий имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоя турлари белгиланган.

Ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳар йили касаба уюшма аъзоларига 650-700 минг сўмлик дам олиш йўлланмалари, кам таъминланган ходим ва талабаларга ёрдам ажратилмоқда, - дейди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда Самарқанда Давлат чет тиллар институти маънавият ва маърифат бўлимининг бошлиғи Т.Сафаров.

- Хусусан, маъмурия томонидан 1999-2000 йилги ўқув йили давомида талабалар уй шароитини яхшилаш учун 631 минг сўмдан зиёд, моддий ёрдам учун 750 минг сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Т.Сафаровнинг таъкидлашича, ёш зиёлилар онгига Она Ватанга муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик каби ғояларни сингдириш, ўқув жараёнини янада яхшилаш мақсадида институт касаба уюшма қўмиталари ҳамда хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Камолот» жамғармалари, талабалар кенгаши ҳамкорликда турли мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари, баҳс ва мунозарага бой мулоқотлар, билимдонлик кечалари ташкил қилинмоқда.

Шу ўринда институт талабалари бир гуруҳининг Наманганда ўтказилган «Универсиада - 2000» мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритганларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Институт қошида касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Шодиёна» ҳаваскор ёшлар тўгараги ва «Дуторчи қизлар» гуруҳи эса Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқлар танловида, шунингдек, Республика талабалар студияси кўрик-танловида биринчи даражали диплом ва мукофотлар билан тақдирланишди, - деди пировардида Т.Сафаров.

ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ҚЎШИБ ОЛИБ БОРАЁТГАН ШАХСЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Ҳурматли таҳририят!

«Меҳнат таътили ҳақида»ги ҳуқуқшунос тушунтиришлари бизга бағоят асқотди. Жуда кўп саволларимизга жавоб олдик. Энди ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун имтиёзлар ҳақида кенгроқ тушунча беришингизни илтимос қиламиз.

М.БОБОХОНОВ,
А.ТЎРАЕВ,
К.СУЛТОНОВ,
муҳандислар,
Тошкент вилояти.

248-модда. Ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шароитлар яратиб бериш

Ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт.

249-модда. Таълим муассасаларида ўқиётган ходимлар учун имтиёзлар

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

250-модда. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун йиллик таътиллар бериш вақти

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга йиллик таътилларни иш берувчи уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига тўғрилаб бериши шарт.

251-модда. Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун иш вақтини қисқартириш

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиётган ходимлар учун ўқув йили даврида бир иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати (ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса) белгилаб қўйилади, қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида ўқиётганлар учун эса, икки иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати (ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса) белгилаб қўйилади.

Умумтаълим мактабларининг ўқувчилари олти кунлик иш ҳафтасида ишлаётган бўлсалар, ўқув йили мобайнида камида ўттиз олти иш куни ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда иш соати давомида ишдан озод қилинадилар. Беш кунлик иш ҳафтасида ишланган тақдирда, ишдан озод қилинадиган иш соатларининг умумий миқдори сақлаб қолинади, ишдан озод қилинадиган иш кунларининг миқдори эса, иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради.

Ишдан озод қилинган вақт учун ўқувчиларга асосий иш жойида оладиган ўртача ойлик иш ҳақининг камида эллик фоизи тўланади, лекин бу белгиланган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги керак.

252-модда. Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш муносабати билан бериладиган таътиллар

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимларга иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда XI (XII) синфда битирув имтиҳонлари топшириш даврида йигирма иш кунидан кам бўлмаган, IX синфда эса саккиз иш кунидан кам бўлмаган таътил берилади.

Мазкур мактабларнинг V,VI,VII,VIII,X ва XI синфларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун қонун ҳужжатларида синфдан синфга ўтиш имтиҳонларини топшириш вақтида ушбу Кодекснинг 251-моддасига мувофиқ бериладиган кунларнинг умумий миқдорини қисқартириш (саккиз-ўн икки кунга) ҳисобига уларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда тўрт кундан олти кунгача ишдан озод қилиш белгилаб қўйилиши мумкин.

253-модда. Ҳунар-техника юртларида таълим олиш муносабати билан бериладиган таътиллар

Ҳунар-техника билим юртларида таълим олишнинг кечки шаклида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар имтиҳонларга тайёрланиш ва уларни топшириш учун асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йил мобайнида камида ўттиз иш кунига ишдан озод қилинадилар.

254-модда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топшириш учун ходимларга бериладиган таътиллар

Кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун камида ўн беш календар кун, ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун эса, камида ўн календар кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

255-модда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганларга иш вақти бўйича бериладиган имтиёзлар

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини (ишини) бажариш ёки битирув имтиҳонлари топширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади.

256-модда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олиш муносабати билан бериладиган таътиллар

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида қуйидаги тартибда: биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календар кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида ўттиз календар кун; учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календар кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида қирқ календар кун; олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календар кун; диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта махсус ўқув юрти талабаларига эса икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллар берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охирги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календар кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

257-модда. Ўқув юрти жойлашган ерга бориш учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар

Иш берувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш мақсадида ўқув юрти жойлашган ерга бориши ва у ердан қайтиб келиши учун йилига бир марта йўл киранинг эллик фоиздан кам бўлмаган қийматини тўлайди.

Диплом лойиҳаси (иши) тайёрлаш ва уни ёқлаш ёки битирув имтиҳонларини топшириш учун бориб келинганда ҳам шундай миқдорда йўл кира тўланади.

258-модда. Ижодий таътиллар

Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини якунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллар берилади.

Ижодий таътилларни бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

XV боб. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

259-модда. Якка меҳнат низоларининг тарафлари ва мазмуни

Якка меҳнат низолари — бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир. Бундай ҳолларда низонинг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

260-модда. Якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар

Якка меҳнат низолари:

меҳнат низолари комиссиялари томонидан, ушбу Кодекснинг 269-моддасида кўрсатилган низолар бундан мустасно;

туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Меҳнатнинг шартларини белгилаш масалаларига доир якка меҳнат низолари ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

261-модда. Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби

Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади, меҳнат низоларига доир ишларни туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиш тартиби эса, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

262-модда. Меҳнат низолари комиссияларини тузиш

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан ажратилган аъзолар тегишли органнинг қарори билан, иш берувчининг вакили эса, унинг буйруғи билан тасдиқланадилар.

Меҳнат низолари комиссияларининг сон таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг келишувига биноан белгиланади.

263-модда. Меҳнат низолари комиссиясининг ваколати

Башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилади.

Меҳнат низолари комиссияси якка меҳнат низоларини кўради, кўриб чиқишнинг ўзгача тартиби белгиланган меҳнат низолари (269,276-моддалар) бундан мустасно.

264-модда. Якка меҳнат низоларини комиссияда кўриб чиқиш тартиби

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг иштирокисиз низони кўриб чиқишга унинг ёзма аризаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Башарти ходим узрсиз сабаб билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ходим, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоси кўриб чиқилишида иштирок этиш учун адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси мажлисга гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни таклиф қилиш, иш берувчидан зарур ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларидан иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этишлари керак.

Меҳнат низолари комиссиясининг ҳар бир мажлисида раислик вазифасини иш берувчининг ва касаба уюшмаси кўмитасининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари навбатма-навбат бажарадилар. Бунда бир мажлиснинг ўзида раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас.

Комиссиянинг ҳар бир мажлисида тарафлар томонидан кейинги мажлиснинг раиси ва котиби тайинланади, уларга мажлисни тайёрлаш ва чақириш вазифаси юклатилади.

Меҳнат низолари комиссиясининг мажлисида баённома юритилади.

265-модда. Меҳнат низолари комиссиясининг қарори

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинади.

Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Комиссиянинг пул ундириш талабларига оид қарорида ходимга тегишли сумма аниқ кўрсатилиши лозим.

Қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. У мажбурий кучга эга бўлиб, бирон бир тарзда тасдиқланмайди.

Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ходимга, иш берувчига ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

Ҳаётда ёруғ юз билан яшаганга не етсин. Элим деб куйиб-пишиб ишлаётган, ташаббус ва омилкорлик кўрсатаётган кишилар ана шу бахтга мушарраф бўлишаяпти. Мингбулоқдаги «Фарғона» хўжалиги ғаллакори Зайниддин Умрзоқов юқори ҳосил етиштиришда барчага намуна бўлмоқда. Унинг тажрибалари оммалашиб бормоқда.



Ўнгдаги суратда эса «Янгийўл» очиқ турдаги автобуслар саройи ҳиссадорлик жамияти моҳир устаси Валижон Шералиевни кўриб турибсиз. У бурч масъулиятини чуқур ҳис этади. Таъмирлаш ишларини аъло даражада бажариб, ҳамкасбларининг меҳру муҳаббатига сазовор бўлди.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТАЪМАГИРЛАР

Улар ишчи ҳисобига бойиб қолишни кўзлаб нопок йўлни танлашди

Иброҳим Холматовнинг ошиб-тошиб ётган давлати йўқ. Аммо шароит уни таъмагирлар тегирмонига сув қуйишга мажбур қилди. У тўрт нафар фарзанди билан опасининг уйида ижарада яшаб келарди. Кичик бўлса-да, ўз бошпанасига эга бўлишга не етсин. 1998 йилда хўжалик раҳбариятидан 4 бўлимда бўш ётган дала шийпонида яшаб туришга ижозат олди. Шу йил ўзи ишлаб келаётган Мирзаобод туман «Оқ олтин» жамоа хўжалиги раисидан шийпонни хусусийлаштириб беришни сўради.

Хўжаликка меҳнати сингган киши талаби рад этилмади. Бошқарув кенгашининг 1999 йил 19 июлдаги қарори билан шийпон нархланиб, И.Холматовга сотилиши қайд этилганди. Нуфузли комиссия таркиби тасдиқланди. Хўжаликнинг бу мурувватидан у жуда қувонди. Ниҳоят унга ҳам ўз уйига эга бўлиш онлари жуда яқин эди. Бироқ бу комиссия дегани ҳали-бери қимирлай демас, кунларни қувиб ойлар ҳам ўтиб бораётганди. Кимдир И.Холматовга комиссия аъзоси, хўжалик бош ҳисобчиси Ў.Маҳкамбоевга учрашишни маслаҳат берди. Аммо бош ҳисобчининг дами анча баланд экан. У турли баҳоналарни важ-корсон қилиб, ишни орқага судрагани-судраган эди. Унинг қочириқлари, шамалари кўпайиб қолди.

Бу И.Холматовни ўйлашга мажбур этди. Бош ҳисобчидан бирон-бир муддаоси бўлса, тортинмасдан айтишини кўп бор илтимос қилди. Охири Ў.Маҳкамбоев ёрилди.

- Шийпон учун хўжалик хазинасига 13 минг тўлайсиз, - деди у бир куни маънодор боқиб. - Аммо биз ҳам беҳудага юрганимиз йўқ. Қолаверса, хазиначи З.Абдурасулов ҳам бор. Иккимизга кўп эмас 70 минг сўмни алоҳида тугиб келсангиз кифоя.

- Жўжа бирдек жонмиз. Бунча пулни қаердан оламан, - дея куйинди у. - Хўжаликдан ёлчитиб маош олмасак, бу жуда оғир савдо-ку.

- Энди, ака, туяга янка бош урди, кимларгадир ялиниб-ёлворди. Бошқа чора ҳам йўқ эди. Хуллас, 83 минг сўм жамлаб бош ҳисобчи ҳузурига югурди. «Мана, ука, айтганинг. Энди бир энлик қоғоз қилиб бер» дея пулни тутқазди.

- Пулни олиб келишни чўзиб юбордингиз, - деди бош ҳисобчи тўнини тескари кийиб. - Энди яна қўшмасангиз бўлмайди.

- Нега?

- Чунки шийпоннинг нархи ошиб кетди. Яна 12 минг 450 сўм пул топиб менга 95 минг 450 сўм қилиб келтиринг. Акс ҳолда, уйдан қуруқ қоласиз. Гап тамом, вассалом.

Яна Иброҳим Холматовни ғам босди. У яна кимдан қарз-ҳавола тоқ керак бўлса, бўйин чўзади, - деди Ў.Маҳкамбоев муғомбирона. - Арзимаган пулга бутун бошли уйга эга бўлаяпсиз. Қариндош-уруғ, ошна-оғайнилардан қарз кўтаринг, ҳалиям шароитингизни ҳисобга олиб суяяпмиз.

И.Холматов минг эшикқилишни билмай сарсон эди. Уйга бориб кўп ўйлади. Бу бош ҳисобчи дегани наҳангнинг ўзи экан. Юз-хотирниям, одамгарчиликниям билмайди.

Шу йилнинг 9 март куни бош ҳисобчи Ўктам Маҳкамбоев ва хазиначи Зоҳиджон Абдурасуловлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Туппа-тузук обрў бир пул бўлди. Бўйинларига таъмагир-порахўр иллати илинди. Ҳар икки йигит ҳам ўз ғуноҳларига иқрор бўлиб, бундай иш такрорланмаслигига сўз беришди. Аммо энди кеч. Туман суди айбланувчи Ў.Маҳкамбоев ва З.Абдурасуловларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «В», «Г» бандлари ҳамда 209-модданинг 1-қисми билан айбдор деб топди. Улар мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилди. Энди Ў.Маҳкамбоев беш йилу олти ой, З.Абдурасулов эса уч йилу олти ойлик умрини темир панжара ортида ўтказишади. Қилмиш-қидирмиш, деганлари шу бўлса керак.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бу ҳаммани қизиқтиради

РАҚАМЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Рақам ва сонларнинг қадри беқиёс. Айтиш мумкинки, кўзи ожиз кишига ҳасса қанчалик аскотса, рақамлар ҳам инсонга шунчалик қадрдон. Инсоният рақамларни ўйлаб топгани учун аждодларимизга ҳамиша таҳсинлар айтади.

Қўйинг-чи, фазодаги космик кемаларнинг учиши, компьютерда мураккаб масалаларни ечишимиздан тортиб, ҳар бир қадамимиз рақамлар ва сонлар билан ўлчанади.

Хўш, рақамларни шунчалик кўп ишлатар эканмиз, уларнинг қаерда ва қандай келиб чиққанлиги, пайдо бўлиш тарихини биласизми?

Инсонлар ибтидоий даврда бармоқлари ёрдамида овларининг сонини, кунларни, қуроллаҳалари сонини бир-бирига англатган бўлса, кейинчалик уларни сўзлар билан ифодалаган. Дастлаб рақамлар ёзувда ҳам сўзлар ёрдамида ифодаланган. Энг биринчи рақамларни ёзувда белги, аломатлар ёрдамида бундан 3 минг йил олдин бобилликлар ва мисрликлар ишлатишган. Бугунги кунда бутун дунёда асосан араб ва рим рақамларидангина фойдаланилади.

Араб рақамларининг пайдо бўлиши ва тарқалишида ватандошимиз, YIII асрнинг буюк математиги Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг улкан ҳиссаси бор. Буюк олим Ҳиндистонда Y асрда пайдо бўлган рақамларнинг жойлашиш тизимини чуқур ўрганади, уларни соддалаштиради, катта сонларни пайдо қилиш, мураккаб масалаларни ечишни ўйлаб топади, рақамлардан фойдаланишни кенгайтиради ва ўз кашфиётларини араб тилида битилган «Арифметика» асарида баён қилади. Хоразмий «Математика»си орқали қайта ишланган ҳинд рақамлари дастлаб араб мамлакатларига тарқалиб, кейинчалик лотин тилига таржима қилиниб, X асрдан Оврўпа ва бутун дунёга ёйилади.

Сонлар қадим замонлардан бери миф, афсона ва ҳикматлар замирида инсониятнинг турфа тақдирида ўзига хос тил-симларни ифодалаб келганлиги сир эмас. Дунёнинг яратилиши етти кун, етти қават осмон, етти иқлим, етти сайёра, етти ранг, етти товуш, табиатнинг яратилиши: тўрт унсур (сув, ҳаво, тупроқ, олов), тўрт тараф, тўрт фасл: инсоннинг яратилиши: тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат... Дақиқа, соат, сутка кун, ой, йил, аср, эра... туғилиш, яшаш, авлод қолдириш, ҳалок бўлиш: қуёшнинг чиқиши, ботиши, тутилиши, ойнинг бош бўлиши, тўлиши, тутилиши: фалак жисмларининг бир-бирига таъсири, фаслларнинг, йилларнинг, тақдирларнинг алмашиниши ва такрорланиши ва сирлилиги... ҳамма-ҳаммаси бор гап.

Қуръоннинг 51-сура 20, 21 оятларида Ер юзида ишонувчилар учун аломатлар бор ва улар сизнинг вужудингизда ҳамдир, ахир қарамайсизми? - деб айтиб ўтилгани бежиз эмас.

Сонлар ва инсонлар... Биз бу ажиб ҳодисани дунё адабиётининг икки даҳо ижодкори Алишер Навоий ва Лев Толстой тақдирлари ва асарлари мисолида қараб чиқайлик-чи? Нималарни кўрамиз? Етти сони нафақат рақам, балки ҳафта, ранг: мусиқа ноталари, ҳатто инсон хотираси ҳажмининг ўлчов меъёридир. Етти ёшли бола барча динларда гўзалликдан ўтган ёш ҳисобланади. Эртакларда, диний китобларда бу сонга алоҳида сирли мазмун сингдирилади. Бу ёзма адабиётга ҳам тааллуқли.

Улуғ Алишер Навоий ўз достонини «Сабъайи сайёр» («Етти юлдуз») деб атади. Унинг мундарижасини ҳам «етти» сўзи билан ифода қилди: ҳафтанинг етти куни, шу етти кун ҳомийси етти сайёра, етти қаср ҳамда етти иқлим подшосининг етти қизи. Буюк Навоий ўзининг фалсафий асари «Лисонут тайр» да ўттиз қушни худога етишиши учун етти риёзат водийсидан (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фано) ўтказади.

Лев Толстой ҳам адабий қаҳрамонлари ҳаётини етти йилликларга бўлиб чиққан. Еттилик - «Уруш ва тинчлик» китобининг асосий сонидир: 1805-1812-1820 йилларда асардаги асосий воқеалар рўй беради. Отаси вафот қилганида Николай Болконский етти ёшда эди. Роппа-роса етти йил ўтгач, у «Хотима»да тасвирланган тушни кўради.

Княз Андрейнинг Бородино жангида жароҳатланган пайтидан бошлаб умумхалқ эътирофини қозонгунча етти кун ўтади.

Энди тақдирлар хусусида. «Инсон ўз ҳиммати қаноти воситасида юксакликка кўтарилади» ҳадиси тақозосига кўра Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий ҳисоб билан 844 йилда таваллуд топган бўлиб, 906 йили вафот қилганлар.

4 сони Алишер Навоий ҳаётида алоҳида мазмун ва моҳият касб этадиган сон. 844 рақами аслида 4 сонларидан иборат математик ифодадир. Вафоти санаси - 906 нинг йиғиндиси 15 ни ташкил этади. Бу ҳам олтмиш йиллик шоир умрининг тўртдан бир қисмидир. Алишер Навоий ўз умрини шартли равишда тўрт қисмга бўлган. Девонини «Чор девон» («Тўрт девон») деб номлаган. Девоннинг ҳар бирига умр фаслларининг маълум даврида ёзган ғазаллари киритилган. Унга тўрт йил ичида (1472-1476) тартиб берган. Дастлабки қасидалар тўпламига ҳам »Фусули арбаа» «Тўрт фасл») деб ном қўйган.

Нормўмин ОЧИЛОВ, Зиёвуддин ҚУЗИЕВ.

(Давоми келгуси сонда)

КЎНГИЛНИ НУРЛАРГА ҚОРИБ ЯШАДИМ

ЁШЛИК

Умрнинг гулбаҳори, гўзал он — ёшлик,
Нурафшон ҳур наҳори ғазалхон — ёшлик.

Булбулларни хуш сози ром этса баъзан,
Баъзан бургут парвози олар жон, ёшлик.

Гўзал ёшлик, гулингни бемаҳал тўкма,
Ифор ташиб нилуфар, қирғоққа чўкма!

Авжинг мавжида қулаб синмасин қанот,
Кузда гуллаб бемаҳал мевалар тугма!

Алданмагин баҳорга, менинг ёшлигим,
Пешвоз чиққин наҳорга чўнг бардошлигим!

Сабру матонатни ол. бўлма серҳаёл,
Менинг оқсоч дунёмга чин қардошлигим!

Ёшлигим, ёшлигим, гўзал ёшлигим...

* * *

Эрка нигоҳларда эриб яшадим,
Яшадим, кувончи ҳамроҳ кунларда.
Кўнгилни нурларга қориб яшадим,
Ҳижрон меҳмон бўлган ғамнок кунларда.

Бу учқур умрда тоза кўнглимдай,
Қизиқ, ёш тўкибман ой юзларни деб.
Ҳар лаҳза кўчажак карвондан жилмай,
Қизиқ, кўз тикибман ёр сўзларми, деб.

Сизга ҳам ул вафо қилмаган санам
Вафо қилгани йўқ бизга ҳам охир.
Қилмиш-қидирмишми айрилиқ, ситам —
Ишқ бериб синади бизни ҳам тақдир.

Эрка нигоҳларда эриб яшаган
Кунларнинг Ғам, Оҳи, эҳ, қачон арир?
Ғамларга бағрини бериб яшаган
Тунларнинг ҳамроҳи барибир қарир...

* * *

Қуёш чиққач сўнган ой каби,
Ўзинг олиб қочавер, майли.
Мени қуёш билсанг — шод қалбим,
Тунда нуринг сочавер, майли,
Барибир, мен Ҳаққа қайтаман.

Мени йўқлаб келмасанг ҳечам,
Севгимни рад этиб кетсанг ҳам,
Ёлғизликда ёвланса кечам,
Ғуруримни поймол этсанг ҳам,
Барибир, мен Ҳаққа қайтаман.

Осмонга тош отсанг қайтади,
Ўзига хос садоси билан.

Ҳамма ҳам ўз дардин айтади,
Ишқнинг ўтлуғ нидоси билан,
Барибир, мен Ҳаққа қайтаман.

Тун-кун аро мен бир шуъламан,
Нурланади ишқдан кўзларинг.
Сен деб йиғлаб, сен деб куламан,
Тоабад шу айтар сўзларим:
Барибир, мен Ҳаққа қайтаман!

* * *

Сенинг дардинг — менинг дардим, дугона,
Уни элга қилай қандай ошкора?
Иккимиз ҳам пинҳон тўккан ёшлардан
Ёстиқлар ҳўл бўлди, кўзу қош қора...

Учиб юрган оҳуга дил берибмиз,
Оҳу ахир баланд тоғлар боласи!
Боғимизга келади деб юрибмиз,
Келмас оҳу ташлаб тоғу лоласин!

Сенинг ғаминг — менинг ғамим, дугона,
Муродига етар эртаклардан айт.
Зўр дарёни зир ахтардим, дугона,
Денгизларга элтар эртаклардан айт.

Бир-бировга маҳзун қўшиқ айтсак ҳам,
Эртакларга бир ишониб яшайлик.
Ўзимиздан, сўзимиздан қайтсак ҳам,
Ул оҳудан қандай тониб яшайлик?..

Муродига етар эртаклардан айт,
Кўлмаклардан кетар эртаклардан айт!..
Нега осмон узоқ, нега ер қаттиқ?
Юлдузларга элтар эртаклардан айт...

Умида АБДУАЗИМОВА.

Сариосиёлик табаррук инсон — 103 ёшли Сайдилла бобо Комиловни ҳамқишлоқлари бизнинг фахримиз дея таърифлашади.

— Бахтим бор экан мустақиллик йилларини кўриш насиб этди, - дейди ота. — Фарзандларим камолидан қувонаман. Улар ҳалол меҳнат орқасида орзуларига эришмоқдалар. Ҳар тонг давлатимиз раҳбарини дуо қиламан. Ҳукуматимиз, район раҳбарлари томонидан иззат-икром кўрмоқдаман. Давраларда ёшларга мурожаат қилиб, мустақилликнинг қадрига етиш, фидоий меҳнат қилиб, Ватан бойлигига бойлик қўшишга чақираман.

И.ҲАСАНОВ олган сурат

МИЛЛИЙ КУРАШ — ЖАҲОН САРИ

Ўзбек кураши бўйича II Жаҳон чемпионати бошланишига 5 кун қолди

«Ўзбек кураши жаҳон сари юзланмоқда!» Катта фахр ва ифтихор, қолаверса ҳавас билан айтилган ушбу сўзлар бугун ўз исботини топмоқда. Зеро, Халқаро кураш Ассоциацияси маълумотларига кўра, сўлим ва гўзал Анталияда бўлиб ўтадиган II Жаҳон чемпионатида 100 га яқин мамлакатлардан полвонлар иштирок этиш истагини билдиришган. Улар орасида Эрон, Япония, Таиланд, Ҳиндистон, Жанубий Корея ҳамда Болгария, Буюк Британия, Нидерландия, Мальта, Россия, Арманистон каби Осиё ва Европа мамлакатларидан ташқари Эквадор,- Жанубий Африка Республикаси, Нигерия, Маврикий, Бразилия, Канада, АҚШ, Боливия, Парагвай каби Африка, Жанубий ва Шимолий Америка қитъалари вакиллари ҳам бор.

Хуллас, яна беш кундан сўнг Анталияда мардлик ва матонат, тантилик ва ҳалоллик тантанаси бошланади. Кўплаб машҳур алпқомат паҳлавонлар медаллар учун кураш олиб борадилар. Ватанимиз шарафини эса беш нафар полвонимиз ҳимоя қилади. Уларга ушбу нуфузли халқаро турнирда омадлар тилаймиз.

ТОШКЎМИР ТАРИХИДАН

Олимларнинг ҳисоблашича, тошкўмир даври бундан 265 миллион йил муқаддам бошланган ва 55 миллион йил давом этган.

Кўмир қатламларининг ёши ҳар хил, яъни «ёш» ва «қари» бўлади. Қорамтир кўмир энг ёш кўмир ҳисобланади. Ундан қарироғи тошкўмир, энг «қари»си эса антрацит ҳисобланади.

Кўмирнинг ёшига ва қайси ўсимликдан вужудга келишига қараб сифати ҳам ҳар хил бўлади. Кўмир қанчалик «қари» бўлса, шунчалик яхши иссиқлик беради.

Бундан икки минг йил муқаддам греклар биринчи марта «ёнувчи тош» (улар кўмирни шундай деб атар эдилар) топдилар. Орадан 100 йил ўтгач, кўмирдан ёқилғи ўрнидагина фойдаланилмай, ундан смола, газ ва мой олиш учун кимёвий хом ашё сифатида ҳам фойдаланилди.

Ҳозирги вақтда кўмир 200 дан ортиқ ҳар хил нарса ва моддаларнинг манбаи ҳисобланади.

Футбол

«МАШЪАЛ» ПЕШҚАДАМ БЎЛАДИ...МИ?

Олий лига жамоаларидан сўнг ниҳоят биринчи табақа вакиллари ҳам дастлабки даври якунига етиб келдилар. 19-тур учрашувларидан сўнг чемпионат бошланиши аввалида тахмин қилинганидек, Муборакнинг «Машъал» жамоаси олий лигага бериладиган йўлланмалардан бирига даъвогарлик қилмоқда. Пешқадамни изма-из таъқиб этиб келаётган дебютант-жамоа «Академия» ҳам яхши имкониятга эга.

Лигани тарк этувчилар сафида эса ҳозирча «Шўрчи», «Ғазалкент», «Навоий-Азот» ва «Сирғали» жамоалари боришмоқда.

Мозийшунослар халқ орасида

Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейи ташкил этган кўчма кўргазма Чимбой туманидаги К.Авезов номли хўжаликда жойлашган болалар оромгоҳига келди. Салқин боғлар қўйнида ёзги таътилни ўтказаётган болалар ўлка тарихи, халқнинг урф-одатлари, миллий мерос тўғрисида ҳикоя қилувчи бир неча асрни кўрган миллий либос намуналаридан иборат 100 дан зиёд бебаҳо экспонатларни қизиқиб томоша қилди. Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал, деганларидек, болалар миллий мерос ҳақида устозлари айтган гапларнинг амалий ифодасини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Қорақалпоғистондаги йирик маданий марказлардан бири ҳисобланган мазкур музей жамоаси кўчма кўргазмалар ташкил этишни анъанага айлантирган. Улар йил бошидан буён бир нечта меҳнат жамоаларида ана шундай кўргазмалар ташкил этишди. Энди Чимбой, Кегейли ва Қораўзак туманларига бориш режалаштирилган.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Тиббий санитария қисмининг бош ҳакими

Шукурхўжа ЗОКИРХЎЖАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

(10—16 ИЮЛ)

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель). Ҳафтанинг бошида ижод билан боғлиқ ишларингиз юришади. Чоршанба куни саломатлигингизни яхшилашга жиддий эътибор беринг. Шу куни спиртли ичимликка ортиқча ружу қўймасликни маслаҳат берамиз. Жума куни қўшимча даромад ишлаб олиш имконияти бор.

СИГИР (21 апрель — 21 май). Душанба куни ҳамкасбларингиз билан муносабатингиз ёмонлашади. Амалий музокаралар пайшанба куни муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунларини табиат бағрида ўтказишни тавсия этамиз. Дарвоқе, якшанба куни ишқий саргузашт кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь). Сешанба куни танишув узоқ вақт ёдингизда қолади. Чоршанба куни катта жиҳозларни харид қилишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунлари саломатлигингизнинг ёмонлашиб қолиши белгиланган режаларингизни амалга оширишга тўсқинлик қилади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль). Душанба куни ўзингизни ташвишга солаётган муаммо бўйича муҳим маълумотни қўлга киритасиз. Ушбу ҳафтанинг иккинчи ярмида севган кишингиз билан муносабатингиз ёмонлашади. Бу айтарли кўнгилсизликлар келтирмайди. Сизнинг туйғуларингиз жунбушга келади, холос.

АРСЛОН (24 июль — 23 август). Чарчоғингиз тобора ошиб бораётгани таътилга чиқишга ундайди. Жилла бўлмаса дам олиш кунлари хонадонингиздан олисда ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь). Мазкур ҳафта қариндошларингиз ўртасида низо келиб чиқиши билан бошланади. Сизнинг қизиқишингиз пайшанба куни мўмай даромад келтиради. Яқин дўстингизнинг маслаҳати бошқа жинс вакиллари билан муносабатда тўғри йўл топишингизда қўл келади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь). Эътиборли танишингиз қийин вазиятдан чиқиб олишингизга кўмаклашади. Пайшанба куни мураккаб ишни ниҳоясига етказасиз. Шанба куни яқин кишингиз ўзига эътибор беришингизни талаб этади.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь). Ҳафтанинг биринчи ярмида ўзгалар муаммосини ҳал этиш учун кўп вақт сарфлашингизга тўғри келади. Бошлиқ — Чаёнлар кутилмаганда юзага келувчи вазиятни назорат қилишлари қийин кечади. Ҳушёрлик кўрсатмасангиз эгаллаб турган ўрнингиздан ажралиб қолишингиз мумкин.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь). Сешанба куни қўшимча даромад ишлаб олиш имкониятининг юзага келиши молиявий қийинчиликларни енгишингизда қўл келади. Жума куни ишқий учрашув бўлиб ўтади. Якшанба куни эса қадрдонларингиз даврасида бир олам қувонч оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь). Душанба-сешанба кунлардаги ижодий муваффақиятлар сизни ҳам, яқинларингизни ҳам мамнун этади. Пайшанба куни янги ишбилармон ҳамкорларингиз алдаб қўйишидан эҳтиёт бўлинг. Ҳамёнингизга жума куни пул тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль). Агар шу ҳафта мобайнида кўчмас мулк билан боғлиқ битимни имзолашга аҳд қилган бўлсангиз бу тадбирни пайшанба кунига қолдиринг. Шанба куни эҳтиросга берилишингиз жиддий келишмовчиликда иштирок этишингизга олиб келиши мумкин.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март). Душанба ва чоршанба кунлари иш жойингизда ҳам, шахсий ҳаётингизда ҳам таваккал бажариладиган ишларга бемалол киришаверинг. Омад сиз томонда. Жума кунги сафар муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунлари олисда яшаётган қариндошларингиз ўзидан хабар беради.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 20.25 Буюртма Г— 624. 123456